

**ПОЙАФЗАЛ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИ ИШЛОВЧИЛАРИ
КАСАЛЛАНИШ СТРУКТУРАСИНИ АНИҚЛАШДА ТАХЛИКА
ОМИЛЛАРИНИНГ ГИГИЕНИК АҲАМИЯТИ**

Азизова Ф.Л., Болтабоев У.А.

**ГИГИЕНИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ ФАКТОРОВ РИСКА
ПРИ ОПРЕДЕЛЕНИИ СТРУКТУРЫ ЗАБОЛЕВАЕМОСТИ
РАБОТНИКОВ ОБУВНЫХ ПРОИЗВОДСТВ**

Азизова Ф.Л., Болтабоев У.А.

**HYGIENIC SIGNIFICANCE OF RISK FACTORS IN DETERMINING
THE STRUCTURE OF THE INCIDENCE OF FOOTWEAR WORKERS**

Azizova F.L., Boltaboev U.A.

Тошкент тиббиёт академияси,
Тошкент тиббиёт академиясининг Фарғона филиали

Цель: изучение структуры заболеваемости работников обувного производства, а также факторов риска, влияющих на распределение заболеваний в структуре. **Материал и методы:** определена структура и уровень заболеваемости за 2015-2017 гг. на основе обращаемости в лечебно-профилактические учреждения работников Ферганского обувного производства. Проведен анализ состояния здоровья работающих согласно листкам временной утраты трудоспособности. **Результаты:** проведенные в 2015-2017 гг. на Ферганской обувной фабрике исследования выявили причинно-следственную связь между влиянием устойчивых показателей тяжести и напряженности, факторов производственной среды, особенностями профессиональной принадлежности и заболеваемостью среди работающих в зависимости от пола, возраста, стажа работы. Основная часть заболевших – женщины (60%), которые являются основной рабочей силой на фабрике. **Выводы:** заболеваемость с временной утратой трудоспособности в динамике за три года среди как работающих женщин, так и мужчин достоверно возросла. В структуре заболеваемости первые лидирующие места занимают ОРВИ и грипп (24,0%), заболевания опорно-двигательной системы (22,7%), заболевания соединительной ткани (19,5%).

Ключевые слова: обувное производство, работники, заболеваемость, временная нетрудоспособность, условия труда.

Objective: to study the structure of the incidence of workers shoe production, as well as risk factors affecting the distribution of diseases in the structure. **Material and methods:** determined the structure and incidence for 2015-2017. on the basis of appealability to treatment-and-prophylactic institutions of Fergana footwear production workers. The analysis of the health status of workers in selected groups (experimental, control) was carried out, where the primary document was leaflets of temporary disability. **Results:** the studies conducted in 2015–2017 at the Fergana shoe factory showed a causal relationship between the effects of sustained indicators of severity and tension, factors of the working environment, features of professional affiliation and morbidity among workers depending on gender, age, length of service. The majority of the diseased are women (60%) working in the production workshops, which are the main labor force in the factory. **Conclusions:** the incidence with temporary disability over the three years both among working women and men increased significantly ($P < 0.05$). In the structure of incidence, the first leading places are occupied by: SARS and influenza (24.0%), diseases of the musculoskeletal system (22.7%), diseases of the connective tissue (19.5%).

Key words: workers, morbidity, temporary disability, working conditions, shoe production

Ишлаб чиқариш корхоналарининг янги қиёфаси яъни замонавий технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланиши, кенг доирада технологияларининг такомиллашуви инсон саломатлигининг шаклланишига ўз таъсирини кўрсатади. Ушбу корхоналар қаторида замонавий пойафзал фабрикаларида меҳнат шароитлари бир неча физик ва кимёвий омилларнинг бир вақтдаги таъсири кузатилади [1,2]. Физикавий омиллардан ишлаб чиқариш шовқини юқори даражалари, микроиқлим шароитларининг гигиеник талаб даржасида бўлмаслиги, кимёвий

омилларнинг эса турли хил бирикмалари таъсирида ишловчилар саломатлик ҳолатининг шаклланишида муҳим ролни ўйнаб, тахликавий омил бўлишига сабаб бўлади [2,3]. Ишловчилар саломатлик ҳолатини ўрганишда ишловчиларни вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотиш (ВМҚЙ) бўйича касалланиш ўрганилади ва касалликка чалинишининг кўрсаткичлари, кўп ҳолларда, юқорида қайд этилгандек, уларга таъсир этаётган техника жиҳозларининг, кимёвий ва физикавий табиатга эга бўлган ишлаб чиқариш муҳитининг таъсирига боғлиқдир [5,4,7, 1].

Тадқиқот мақсади

Пойафзал ишлаб чиқариш корхоналари ишловчилари касалланиш структурасини аниқлаш, улар тақсимланишига таъсир этувчи тахлика омилларининг табиатини ўрганиш.

Материал ва усуллар

Фарғона пойафзал ишлаб чиқариш корхонаси ишчиларининг саломатлик даражаси кўрсаткичларини ва меҳнатга лаёқатсизлигини аниқлаш 2015 – 2017 йиллар давомида даволаш профилактик муассасаларига мурожаати бўйича ўрганилди. Бирламчи хужжатлар сифатида вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганлиги тўғрисидаги касаллик варақаларини таҳлили ўтказилди. Ишчиларнинг вақтинча меҳнатга лаёқатлигини аниқлаш учун иккита гуруҳ саралаб олинди. Биринчи гуруҳга керакли миқдордаги катталиқдан ортиқ даражадаги шароитда ишлаб чиқариш муҳити таъсирида ишлаётган ишчилар киритилди -320. Иккинчи гуруҳга (назорат гуруҳи) ишлаб чиқариш корхонаси маъмурият таркиби ишчилари (ҳисоб-китоб бўлими ва кадрлар бўлими ходимлари) киритилди –150 киши. Ҳисоб бирлиги сифатида йил давомида бир ёки бир неча марта касал бўлган шахс қабул қилинди. Қуйидаги вақтинча иш қобилиятини йўқотган кўрсаткичлар ҳисоблаб чиқилди: 100 киши ҳисоби касаллигига кўра вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганлар ҳолати (вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотиш ҳодисаси миқдори / ишчилар сони 100); ВМҚЙ 1 ҳодисасининг ўртача давомийлиги (кунларнинг умумий сони – ҳодисалар миқдори); ВМҚЙ кунлари миқдори 100 ишчига нисбати (ВМҚЙ кунлар миқдори – ишчилар сони 100); ВМҚЙ нинг турли касалликларга кўра тузилиши ва частотаси [8]. Олинган натижалар статистик усулларда таҳлил қилиниб, ўртача катталиқлар, ўртача квадратик оғиш ва ўртача катталиқдаги хатоликлар $M \pm m$ (ўртача ± ўртача катталиқнинг ўртача хатоси) кўринишида ўрганилди. Стъудент мезони бўйича ишончлилик эҳтимоллиги мезони $P < 0,005$ га тенг бўлди.

Натижа ва муҳокама

Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик ҳолатларини ўрганиш пойафзал ишлаб чиқариш корхоналари ишчиларининг саломатлик даражаси ва ишлаб чиқаришнинг тахликавий омиллари ўртасидаги сабаб-оқибат боғлиқликни аниқлаш, ишчиларнинг касалланиши туфайли корхонага етказиладиган иқтисодий зарар ва уни камайтириш бўйича профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун илмий асос яратиб беради.

Фарғона пойафзал фабрикаси ишчиларининг касалланиши вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги бўйича таҳлил қилинди, меҳнат шароитларидаги зарарли ва ҳавфли ишлаб чиқариш омилларининг ишчилар саломатлигига таъсири 2015-2017 йиллар давомида динамикаси ўрганилди. Чуқур таҳлил қилинган маълумотларга кўра, йил давомида касалликка чалинган ишловчиларнинг умумий сони 725 кишини ташкил этиб, унинг 60% аёллардир.

ВМҚЙ бўйича касалланишни аниқлаш мақсадида барча ишловчилар икки гуруҳга ажратилди: 1-чи гуруҳга ноқулай ишлаб чиқариш омиллари таъсирида ишлайдиган ходимлар, яъни гигиеник тала-

бларга жавоб бермайдиган шароитларда, омиллар даражалари меъёрий кўрсаткичлардан юқори иш жараёни ўрганилди; 2-чи назорат гуруҳига ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан холи бўлган корхона маъмуриятининг меҳнат шароитлари ўрганилди. Назорат гуруҳи когорта усулини қўллаш ёрдамида таркиб топди. Когорта белгилари сифатида ишчиларнинг жинси, ёши, меҳнат стажи қабул қилинди. Бунда ВМҚЙ бўйича касалланишнинг турли касб эгаларида, қайси омиллар натижасида касалланиш юзага келганлиги аниқланилади. Ҳисоб бирлиги сифатида касаллик варақалари ва уларнинг узайтирилиши юзасидан тақдим этилган хужжатлар хизмат қилди.

ВМҚЙ бўйича касалланиш ҳар иккала гуруҳлардаги чуқур таҳлили, 1-чи гуруҳда унинг даражаси 1-чисидан ва бутун корхона аъзолари сонига ҳаққоний тарзда юқори эканлигини кўрсатди. Шунингдек, 1-чи гуруҳда ВМҚЙ бўйича касалланиш даражаси ва ҳолатларининг юқорилиги аниқланди.

Уч йиллик динамикасида Фарғона пойафзал фабрикаси ишчиларининг ВМҚЙ бўйича касалланиши 96,4 ҳодисалар ва 1114,0 кунни ташкил этди (100 та соғлом ишчига нисбатан). Ишлаб чиқариш корхонаси ишчиларининг даражаси 100 та соғлом ишчиларга нисбатан ҳам аёлларда, ҳам эркекларда уч йиллик динамикаси давомида ўзгариб турган. Шунга кўра, 2015 йилда ВМҚЙ бўйича касалланиши ҳодисалар аёлларда $41,56 \pm 1,78$, 2016 йилда $74,73 \pm 1,51$ ва 2017 йилда – 110,0 ни ташкил этди, йиллар давомидаги кўрсаткичлар ҳаққоний тарзда ошиб борган ($P < 0,05$). Шундай ҳаққоний тарздаги кўрсаткичларнинг ортиб бориши эркекларда ҳам кузатилган: 2015 йилда ВМҚЙ бўйича касалланиш ходисалари $40,68 \pm 1,45$, 2016 йилда $56,8 \pm 1,2$, 2017 йилда $75,08 \pm 1,47$ ташкил этиб кўтарилиб борганлигидан далолат беради. Бунда, 100 та соғлом ишчи аёлларнинг касалликка чалинишининг ўртача миқдори эркеклар касалланишига нисбатан 1,6 марта кўп эканлиги аниқланди (1-расм).

ВМҚЙ бўйича касалланиш ходисалари 2-чи назорат гуруҳи орасида уч йил давомидаги ўртача кўрсаткичлари ишчи аёлларда $71,5 \pm 1,34$; ишчи эркекларда $25,5 \pm 1,94$ (100 та соғлом ишчига нисбатан) ни ташкил қилди.


Пойафзал ишлаб чиқариш фабрикаси эркек жинсидаги маъмурий ходимлари орасида 1 та касалланиш ҳодисаси ўртача $10,6 \pm 1,2$ кун давом этади, 1-гуруҳ ишчилари орасидаги кўрсаткичлар эса $11,5 \pm 1,64$ тенг бўлиб деярли 2-гуруҳдан фарқ қилмайди. Маъмурий ходимларидан аёлларда касалланиш ҳодисасининг ўртача давомийлиги 2-чи гуруҳдаги ишчиларга нисбатан ҳаққоний тарзда юқори бўлганлиги аниқланди ($12,8 \pm 0,81$ ва $10,9 \pm 0,3$; $P < 0,05$).

Ишга яроқлилик кунлари сони 100 тага нисбатан олинганда соғлом назорат гуруҳидаги ходимларида: аёлларда $895,1 \pm 1,2$, эркекларда $780,0 \pm 1,14$ ни ташкил этди. Ушбу кўрсаткичлар 2-чи гуруҳ ишчилариникидан юқори бўлиб, фарқлари ҳаққоний эмас. Ёшига кўра 1-чи гуруҳдаги аёл ишчилари орасида касалланганлар 35 ёшгача - $35,7 \pm 1,8\%$ ни, 35-

50 ёшгача - $45,8 \pm 1,5\%$ ва 50 ёшдан юқоридагилар - $13,8 \pm 1,3\%$ ни ташкил этди.

Ёшига кўра 1-чи гуруҳ эркаклари орасида касалланганлар куйидагича тақсимланди: 35 ёшгача

$32,6 \pm 1,2\%$, 35-50 ёшгача $41,5 \pm 1,3\%$, 50 ёшдан юқори $25,5\%$ ни ташкил этган.



1-расм. Пойафзал фабрикасидаги 1-чи ва 2-чи гуруҳ ишчиларнинг ВМҚЙ билан касалланиш кўрсаткичларининг жинсига кўра (100 та соғлом ишчиларга нисбатан) ўзгариши

2-чи гуруҳ ишчилари орасида касалланган эркак ва аёллар 35 ёшдан кичик ва 50 ёшдан юқори бўлганларда 18% холларда учраб, 35-50 ёшли гуруҳларда бир хил тақсимланди.

Берилган кўрсаткичлар ВМҚЙ билан касалланишнинг ўртача йиллик даражалари билан солиштирилганда 35 ёшдан кичик гуруҳ ишловчиларда касалланиш даражаси ўртача катталиқ билан ҳаққоний фарқи йўқлигини кўрсатади.

Ушбу фарқлар 35-50 ёшдаги гуруҳ ишловчиларда ҳам ҳаққоний эмас ($P > 0,05$). 50 ёшдан юқори гуруҳлардаги касал бўлиш даражаси ҳаққоний тарзда ўртача йиллик кўрсаткичдан юқорилигини кўрсатади ($P < 0,05$).

Пойафзал ишлаб чиқариш фабрикаси ходимларининг ВМҚЙ билан касалланишнинг умумий даражаси (100 та соғлом киши нисбатан) бу кўрсаткичлар ёши, жинси, йилига қараб тўлқинли ўзгаришини (фарқлар) кўрсатди.

Цехлар бўйича касалланиш даражаси Е.Л.Ноткин шкаласига асосан, “ўртачадан юқори”, ВМҚЙ кўрсаткичлари маъмурият ходимлари орасида – “ўртачага яқин” деб аниқланди.

Ишчиларнинг меҳнат стажига кўра касалланишининг энг катта миқдори ($75,2\%$), 15 йилдан ортиқ ишлаганларда кузатилди. Бу хусусият аёлларга ҳам, эркакларга хос бўлди. 5-15 йилгача меҳнат стажига эга бўлганлар орасида аёл ва эркакларда деярли бир хиллик кузатилди. Касалликка чалинувчиларнинг энг кам миқдори 1-5 йил иш стажлиларда кузатилди.

Ишчиларнинг касал бўлишлари касалликларнинг халқаро туркумланиши (КХТ-10) нинг 10 кўринишига кўра таҳлил қилинди. Пойафзал фабрикаси-

нинг $73,8\%$ ишчиларида у ёки бу турдаги касаллик ёки касалликка мойиллик аниқланган.

ВМҚЙ билан касалланиш тузилишида ишчиларнинг энг катта қисми ўткир респиратор вирус инфекцияси касалликлари ва грипп ($24,0\%$), суяк-мушак тизими касаллиги ($22,7\%$), бириктирувчи тўқима касалликлари ($19,5\%$), гипертония (хафақон) касаллиги ($13,0\%$), сўннг ўткир фарингит (тонзилит) ($11,2\%$), руҳий бузилишлар ($8,2\%$), буйрак ва сийдик йўлларидаги касалликлар ($11,4\%$) ни ташкил этди. Юқори нафас олиш йўллари ва ЛОР органлари касаллигининг кенг тарқалганлигини ноқулай микроклим кўрсаткичлари, иш жойлари ҳавосининг органик эритмалар буғлари ва чанг билан ифлосланганлиги билан боғлиқ, суяк-мушак тизимидаги касалликлар эса кам ҳаракатланиш ва мажбурий ишчи натижасида юзага келади. Корхона маъмурият ходимлари ва хизматчилари ҳам иш куни давомида берк, яхши шамоллатилмаган хоналарда фаолият қилишлари сабабли, уларда нафас олиш органлари касалликлари юқоридаражада кузатилди.

Қон босимининг ошиши ва юрак-қон томир тизимининг (ЮҚТТ) бошқа кўринишдаги касалликлар ишчилар гуруҳида, назорат гуруҳидаги хизматчиларга нисбатан 2,8 марта, ишга яроқли бўлмаслик кунлари сони ҳам 1,9 марта ортиқлиги аниқланди. ЮҚТТ касалликлар частотасининг кўпайиши ишчиларнинг шовқин ва тебраниш таъсири мавжуд шароитларда ишлаши, шу билан бирга ноқулай ишлаб чиқариш микроклимининг биргаликдаги таъсири оқибатида юзага келган.

Цехлараро касалланиш даражалари ўрганилганда касалликка чалинишнинг энг юқори даражаси ($52,7\%$) тайёрлаш цехи ишчиларида кузатилди.

Йиғиш цехи ишчиларида ВМКЎ бўйича касалланиш даражаси 107,8 марта, 1381,7 кунлар ҳисобида 100 та соғлом ишчига нисбатан учраши улар меҳнатининг ўта оғир, юқори даражада шовқин ва ҳавода органик эритмалар буғларининг юқори миқдорда таъсири билан тушунтирилади.

Аниқлашча, суяк-мушак тизими, бириктирувчи тўқима касалликларини келиб чиқишига сабаб иш мобайнида доимий жисмоний зўриқиш, тана ва бўғинларнинг бир хил такрорланишидаги мажбурий ишчи ҳолати, артритлар (38,6%) полиартрит (24,6%), миозит (19,5%), миалгия (10,3%) ва эпикондилит (7,0%) ҳолатларига олиб келган. Бу тизим бўйича касалланиш кўрсаткичлари ишчиларда, назорат гуруҳидаги ходимларига нисбатан кўпроқ бўлиб, 3,3 марта кўп касалланиш ҳодисалари ва 1,3 марта ишга келмаслик миқдори билан тавсифланади. Суяк-мушак тизимида оғриқларнинг ривожланишида юқори ҳарорат, қўл ва суяк соҳаси мушакларининг зўриққан ҳолатда бир хил ишни бажариши сабаб бўлади. Назорат гуруҳи ходимларидан фарқли равишда, 8 йил меҳнат стажидан бошлаб, ишчилар орасида суяк-мушак тизими касалликлари ортиб бориши кузатилган. ВМКЎ бўйича касалланиш даражасида касалликларнинг орасидаги кескин фарқ меҳнат стажи 15 ва ундан кейинги йиллар мобайнида бўлиши аниқланди.

Руҳий бузилишлар билан боғлиқ ўзгаришлар пойафзал ишлаб чиқариш фабрикасининг 9,1% аёлларида кузатилган бўлиб, назорат гуруҳида кузатилмаган. Бўйрак, сийдик йўллари касалликлари ишчилар орасида назорат гуруҳи ходимларига нисбатан 3 марта кўпроқ қайд этилиб, 22,2% ва 7,9%ни ҳар икки гуруҳда ташкил этган. Ишчилар орасидаги юқори кўрсаткич уларнинг меҳнат қилиш даражасидаги тебранишлар, юқори ҳарорат, мажбурий иш ҳолати билан боғлиқдир.

Хулосалар

1. Пойафзал ишлаб чиқариш корхонасида банд бўлган ишчиларнинг ВМКЎ билан касалланиш тузилишида ишчиларнинг энг катта қисми ўткир респиратор вирус инфекцияси касалликлари ва грипп (24,0%), суяк-мушак тизими касаллиги (22,7%), бириктирувчи тўқима касалликлари (19,5%) ташкил этди.

2. Пойафзал ишлаб чиқариш корхонаси ишчилари меҳнат шароитлари саломатлик ҳолатига тўғридан-тўғри боғлиқдир.

3. Ишлаб чиқариш корхонасидаги шароитларни ўрганиш юзасидан ўтказилган гигиеник тадқиқотлар ишчиларнинг саломатлигини сақлаш, меҳнат қобилиятини ошириш борасида самарадор комплекс соғломлаштириш тадбирларини ишлаб чиқиш зарур.

Адабиётлар

1. Адылов У.Х. Руководство по управлению охраной и безопасностью труда. Функции работодателя по профилактике несчастных случаев профессиональных заболеваний. – Ташкент, 2014, - 92 с.

2. Белозерова С.М. Особенности формирования заболеваемости в условиях индустриального труда и новых технологий // Медицина труда и промышленная экология – 2011. - №3. - С. 13-19.

3. Березин И.И., Штейнберг Б.И., Воробьева Е.Н. Профессиональная заболеваемость на промышленных предприятиях // Материалы IX Всероссийского съезда гигиенистов и санитарных врачей. – Москва, 2001. -Т.2. –С. 41-43.

4. Глоов М.Б. Учет факторов риска при планировании производственно-хозяйственной деятельности предприятия // Вопросы структуризации экономики – Махачкала, 2004. - №3. – С. 16-21.

5. Измеров Н.Ф. Охрана здоровья рабочих и профилактика профессиональных заболеваний на современном этапе // Материалы IX Всероссийского съезда гигиенистов и санитарных врачей - Москва, 2001. -Т.2. – С. 25-31.

6. Миронов А.И., Кириллов В.Ф., Бульбуляев М.А. и др. Труда и состояние здоровья работающих на обувных производствах // Медицина труда и промышленная экология – 2001. - №2. - С. 20-23.

7. Методическое руководство по оценке профессионального риска для здоровья работников. Утв. МЗ РУз №012-3/0240 от 30.09.2013 – Ташкент, 2013. – 27 с.

8. Методические рекомендации. Прогнозирование профессионального риска для здоровья работников по показателям профессиональной заболеваемости с временной утратой трудоспособности. Утв. МЗ РУз от 30.11.2004 – Ташкент, 2004. - 11 с.

ПОЙАФЗАЛ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИ ИШЛОВЧИЛАРИ КАСАЛЛАНИШ СТРУКТУРАСИНИ АНИҚЛАШДА ТАХЛИКА ОМИЛЛАРИНИНГ ГИГИЕНИК АҲАМИЯТИ

Азизова Ф.Л., Болтабоев У.А.

Мақсад: пойафзал ишлаб чиқарувчиларининг касаллик структурасини ўрганиш, шунингдек касалликнинг тарқалишига таъсир қилувчи хавф омиллари. **Материал ва усуллар:** 2015-2017 йилларда касалликнинг таркиби ва даражаси Фарғона пойафзал ишлаб чиқарувчиларининг даволаш-профилактика муассасаларига мурожаат этилиши сабабли белгиланди. Танланган иккита гуруҳда (тажриба, назорат) ишчиларнинг соғлиқни сақлаш ҳолатини таҳлил қилиш амалга оширилди, бу ерда бирламчи ҳужжат вақтинчалик ногиронлик варақалари эди. **Натижа:** Фарғона пойафзал фабрикаси ишчиларининг касалланиши вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги бўйича таҳлил қилинди, меҳнат шароитларидаги зарарли ва хавfli ишлаб чиқариш омилларининг ишчилар саломатлигига таъсири 2015-2017 йиллар давомида динамикаси ўрганилди. меҳнат муҳити омиллари, ходимларнинг касалланиш даражаси ва жинси, ёши, хизмат муддатига қараб касалланишининг таъсири ўртасидаги сабабчи муносабатларни кўрсатди. Аёлларнинг аксарийати ишлаб чиқариш устахоналарида ишлайдиган аёллардир (60%), улар заводда асосий ишчи кучи ҳисобланади. **Хулоса:** уч йил давомида меҳнаткаш аёл ва эркеклар орасида вақтинчалик ногиронлик билан касалланиш даражаси сезиларли даражада ошди ($P < 0,05$). Касалликнинг тарқалишида биринчи ўринни эгаллаганлар: Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик ҳолатларини ўткир респиратор вирус инфекцияси касалликлари ва грипп (24,0%), суяк-мушак тизими касаллиги (22,7%), бириктирувчи тўқима касалликлари (19,5%).

Калит сўзлар: ишчилар, касалланиш, вақтинчалик ногиронлик, меҳнат шароитлари, пойафзал ишлаб чиқариш.